

## КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИДАН

**Мамбетова Айхан<sup>1</sup>**

<sup>1</sup>Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали  
Кутубхона-ахборот фаолияти йўналиши 3 курс талабаси

**Худайбергенова Маржан<sup>2</sup>**

Илмий раҳбар

<sup>2</sup>Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали  
Маданият ва кутубхона фаолияти кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7249022>

Аннотация: Мақолада китобхонлик маданиятини ошириш масалалари ҳақида фикр-мулоҳаза юритилган. Шунингдек, ёшларни маънан етук шахслар қилиб тарбиялашда китобхонлик маданиятини юксалтиришга доир масалалар юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилган.

Калит сўзлар: маънавий-маърифий, кутубхона, мутолаа, ёшлар, маҳалла, маънавий камолат, инсон тафаккур.

Аннотация: в статье дана обратная связь по вопросам повышения культуры чтения. Также были высказаны предложения и рекомендации по вопросам, связанным с повышением культуры чтения в воспитании молодежи как духовно зрелых личностей.

Ключевые слова: духовно-просветительский, библиотека, чтение, молодежь, соседство, духовная зрелость, человеческое мышление.

Annotation: the article provides feedback on issues of increasing the culture of reading. Suggestions and recommendations on issues related to raising the culture of reading in the upbringing of young people as spiritually mature individuals were also expressed.

Keywords: spiritual and educational, library, reading, youth, neighborhood, spiritual maturity, human thinking.

Янги Ўзбекистон тараққиётига хизмат қилмоқ, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратмоқдек улўф ният илм ва китобга меҳр қўйган, дадил фикрлари билан жамиятнинг олдинги сафларида бораётган билимдон, изланувчан, истеъдодли ёшларни кашф этаётгани, элга танитаётгани билан шарафлидир. Дунё илму закосига тамал тоши қўйган мутафаккирларимиз инсон тафаккурининг асоси саналмиш китоб мутоласининг ўрни беқиёслигини алоҳида таъкидлаб ўтганлар, китоб ўқишга даъват этганлар. Китоб мутолааси руҳни тўйинтириши, тафаккурни озиқлантиришини бот-бот тайинлаганлар. Янги Ўзбекистон ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига таъсир кўрсатадиган ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Юртимизда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал

ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилишда маънавий етук инсонни тарбиялаш, бунинг учун эса таълим ва илм-фан жабҳасида улуғвор мақсадларга эришиш ҳозирги даврнинг энг долзарб вазифасига айланди. Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Халқимизнинг маънавий камолатини юксалтириш, кутубхона-ахборот соҳасида сифатли хизмат кўрсатишнинг имкониятларини оширадиган замонавий инфратузилмалар яратиш ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш бўйича юртимизда кенг кўламли ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев: Маънавий ҳаётимизни янада ривожлантириш мақсадида кейинги пайтда бир қанча муҳим ҳужжатлар, жумладан, китобхонлик маданиятини ошириш, маданият ва санъат соҳасини такомиллаштириш, ҳудудларда улуғ санъаткорларимиз номи билан аталадиган ижодий мактаб ва марказлар ташкил этиш туғрисидаги қарор ва фармойишлар ҳам қабул қилинди - дея алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Мутолаа маданиятини шакллантиришда кутубхона-ахборот хизмати билан бирга оила, маҳалла, таълим тизими, меҳнат жамоалари, давлат ҳокимияти, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари муҳим омиллар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги 2017 йил 12 январдаги Фармойиши ҳамда “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги 2017 йил 13 сентябрдаги Қарорида кутубхона-ахборот хизматини янада юксак савияга кўтаришнинг йўналишлари белгилаб берилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йилнинг 12 майдаги “Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш

мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида”ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги “2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 26 декабрдаги “Ёшларнинг китобхонлик маданиятини оширишга қаратилган “Ёш китобхон” танловини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги мажлис баёни ижросини таъминлаш, Юртбошимиз илгари сурган беш муҳим ташаббус доирасида аҳоли, айниқса ёшларнинг мутолаа маданиятини юксалтириш мақсадига хизмат қилмоқда.

Булар мутолаа маданияти ва китобхон маданиятини ошириш, фойдаланувчилар қизиқиши, эҳтиёжи, талаби бўйича ижтимоий сўровлар ўтқазиш, кутубхона-ахборот хизматига аҳолининг янада кенгроқ қатламларини қамраб олиш, китоблар муаллифлари билан ижодий учрашувлар уюштириш, мутолаа ва китобхонлик маданиятини оширишга доир ишларни тизимли ва самарали ташкил этиш, бу борада фойдаланувчилар, кутубхоначилар ва тарғиботчилар ўртасида “Энг китобхон мактаб”, “Энг китобхон маҳалла”, “Энг китобхон оила”, “Энг фаол кутубхоначи” каби кўрик танловларнинг саралаш ва республика босқичларини юқори савияда ўтқазиш каби вазифалардан иборатдир. Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши кутубхона-ахборот хизмати самарадорлигини янада ошириш, давр талабларига мос ва монанд тарзда такомиллаштириб боришга ёрдам беради. Ҳозирги кунда мамлакатимизда китобхонлик савиясини ошириш, мутолаа маданиятини юксалтиришга катта аҳамият берилаётгани сизларга маълум. Лекин, кўплаб болаларимиз китобдан узоқлашиб, кўп вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказаётгани – бу ҳам бор гап. Биз фарзанларимизнинг онги, дунёқараши асрлар давомида синовдан ўтган, юксак маънавият хазинаси бўлган жаҳон ва миллий адабиётимиз асосида, балки қандайдир шубҳали, зарарли ахборотлар асосида шаклланишига бепарво қараб туролмаймиз .

Ўз-ўзидан маълумки маҳаллаларда кутубхонлик тўғрагини ташкил этиш юқорида қайд этилган вазифаларнинг амалга ошириш тизимига ўзвий боғлиқ жараёндир. Сўнги йилларда республикамизнинг деярли барча ҳудудлари жойлашган Маҳалла фуқоралар йиғинларида замонавий кутубхоналар қуриш, мавжуд кутубхоналарни қайта таъмирлаш ва уларни бадий-адабий китоблар билан мунтазам янгилаб туриш масалалари долзарб вазифалар сирасидан ҳисобланади. Хулоса қилиб айтадиган бўлса, Маҳаллаларда амалга оширилаётган маданий-маърифий ишлар айниқса

китобхонлик тўғарақлари фаолиятини янада такомиллаштириш Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш борасидаги улуғбор ишларимизнинг давоми сифатида хизмат қилувчи азму – шижоатига айланиб улгурди. Унинг замирида манъавий янгиланиш, манъавий тараққиётдан марифатли жамият сари ҳаракатга келган қудратли куч бўлиб, бугунги кунда халқнинг айниқса ёшларнинг йўлчи юлдузи бўлиб хизмат қилмоқда. Биз бу йўлда инсониятнинг қадим қадрияти ҳисобланган, китоб ва китоб мутолассига суяндик. Зеро, Муҳтарам Президентимиз таъбири билан айтганда, “Жаҳон тарихи шундан далолат берадики, ҳар қандай янги цивилизация, янги Уйғониш даври китоб ва кутубхоналардан бошланади. Муҳтарам Президентимиз Ш.М. Мирзиёев: “Биз учун маънавият – инсонлар ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳурмат ва эътибор, халқ ва давлат келажагини биргаликда қуриш йўлидаги эзгу интилишлар, ибратли фазилатлар мажмуасидир. Бошқача айтганда, маънавият – жамиятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва сифатини белгилайдиган пойдевордир. Бу пойдевор қанча мустаҳкам бўлса, халқ ҳам, давлат ҳам шунча кучли бўлади. Маҳаллаларда китобхонлик тўғарагини ташкил этиш ва тўғарақ фаолиятига маҳаллардаги фаол ёшлар билан бирга уюлмаган ёшларни, ёши улуғ отахон-оналаримизни, мактаб ёшидаги болаларимизни жалб қилиш катта аҳамият касб этмоқда. Бу эса, мутолаа омилини фавқулодда ижтимоий зарурат даражасига чиқаради. Буюк истиқболни кўзлаб интилувчи ҳар бир жамиятда мутолаа маданиятига устувор масала сифатида ёндашилиши бежиз эмас. Ёшлар тарбиясида доимо янгиланиш, ислоҳат ва инновацион ғоя ва методлар, лойиҳалар яхши натижа беради. Келажагимиз эгалари бўлган ёшларни фақат маънавий рағбатландириш билан, кўзланган натижага эришиб бўлмаслигини замоннинг узи тақоза этмоқда. Шунинг учун соҳада мутлоқа янги тизим яратилди. Ёшларнинг ҳар томонлама манфаатларини таъминлаш, уларнинг орзу-интилишлари, қоблият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ш.Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2 жилд, - Тошкент: “Ўзбекистон”. 2018. 180 бет.
2. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улуғбек” жамғармаси. – Тошкент: Ёшлар нашриёт ўйи. 134 бет.
3. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент. Ўзбекистон, 2021. 464 бет.



4. Умаров А. Мутолаа маданияти: шахс, жамият, тараққиёт. – Тошкент.:  
Фан. 2004. 190 бет

